

Инсон ва қонун

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

"Мен англаган ҳаёт
заҳиқати"

Маънан етук китоб-
ларни танлаб ўқи. Акс
ҳолда, бир даста қоғоз
ҳаётингни заҳарлаши
мумкин.

МАРК ТВЕН

2019 йил 16 апрель

сешанба № 15 (1167)


e-mail: insonvaqonun@adliya.uz

www.insonvaqonun.uz

t.me/ivquz

fb.com/ivquz/

МУСТАҚИЛ ВА ХОЛИС СУД ҲОКИМИЯТИ: МУЛОҲАЗА, ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ



СУД ҳоқимиятининг фаолияти бевосита инсон ва жамият тақдир билан чамбарчас боғлиқ. Ўзингиз яхши биласиз, ижтимоий ҳаётдаги ҳар қандай келишмовчилик, у фуқаролар ўртасида бўладими ёки қонун тили билан айтганда, юридик шахслар ўртасида бўладими, фақат суд орқали ечим топади. Чунки фуқаролик жамиятининг талаби шундай.

Аччиқ бўлса ҳам тўғриси тани олиб айтиш керак, кейинги пайтларда оммавий ахборот воситаларида суд тизимидаги баъзи бир камчиликлар рўй-рост ёзилмоқда. Минг афсуски, буларни ёлгон, деб бўлмайди...

Сўнги икки ярим йилда мамлакатимиз бутунлай янги босқич ва туб ислохотларга чулғанди. Халқимиз турмуш тарзини яхшилаш, муносиб шароит яратиш борасида ўтказилган ислохотларни кузатиб турган хорижий сиёсатшунос олимлар ва журналистлар томонидан ҳам ҳақли равишда қизиқиш билан эътироф этилмоқда.

"2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"нинг иккинчи йўналиши, айнан қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизimini янада ислох қилиш,

деб кўрсатилганлиги ҳам бежиз эмас. Сабаби, ривожланган демократик давлатда қонун устуворлиги таъминланган бўлиши керак.

Такрор бўлса-да таъкидлаш керак, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар том маънода юксак босқичга кўтарилди. Унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан Конституциямизга суд ҳоқимияти мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг бир қатор моддалари янги нормалар билан бойитилди.

2-БЕТ

САҲИФАЛАРДА:

Муаммонинг илдизи хали ҳам қурмаган

...боғча ходимлари лавозим мажбуриятларига кирмайдиган ишларга жалб этилгани аниқланди.

Тоғда ўсган болалар бир неча йилдан сўнг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномага эга бўлишди

Ҳеч қачон очилмайдиган жиноятлар ёхуд ёпиғлик қозонлар қачон очилади?

Акция муддати узайтирилиши мумкинми? Одамлар орасида эса бошқача гап

КИТОБСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ!



Саводли бўла туриб китоб ўқимаган кишининг саводсиздан фарқи йўқ.

(Марк Твен)

Қаердаки китоб ёқилса, кун келиб ўша ерда инсон ҳам ёқилади.

(Генрих Гейн)

Келажақда ҳам китобни ўрни ҳеч нарса эгаллай олмайди, худди ўтмишда эгаллай олмаганидек.

(Айзек Азимов)

Шоҳона, бироқ кутубхонасиз уйга ачинаман.

(Жейн Остин)

ОЧЕРК ЁЗИШ

Аудитория.

Ўқитувчи: — Бугун оралиқ назорат. Ҳамма янги дафтар олиб мавзунинг ёзсин. Мавзу: "Матбуотда очерк ёзиш жанри".

Талабалар мавзунинг ёзишга киришди.

Талаба: — Домла, ўтган сафар маърузада ёзилган фактлардан фойдалансанг бўладими?

Ўқитувчи: — Сизларга бу мавзу ўтилганига уч ҳафта бўляпти, наҳотки шу вақт оралиғида мавзуга оид берилган бирорта адабиётни ўқимаган бўлсангиз. Майли фойдалана қолинг.

Аудиторияда кимнингдир томоқ қиргани ва яна қоғознинг шитирла-

гани эшитилиб турибди. Толибнинг парта тагидан телефон титкилаётганини сезган домла унинг тепасига борди.

Ўқитувчи: — Толиб, нима қилаясан?

Толиб: — Домла интернетдан очерк ёзиш технологиясини қидираяман.

Ўқитувчи: — Ким айтди сенга, интернетда шу мавзу бор экан, деб? Нега китоб ўқиб, тайёргарлик кўрмадинг?

Толиб: — Домла, ҳозир интернетда ҳамма нарса бор-ку, китобни ўқиб нима қилдим?

Ўқитувчи: — Ҳамма телефонини ўчириб, столга қўйсин.



Столининг устида мобил аппаратлар қалашиб кетди. Шу онда Толиб фикрлашдан тўхтади. Берилган вақт ичида фақат 4-5 нафар талабанинг ручкаси қоғоз устида йўғалади. Қолганлар эса ҳеч бир нажотсиз, қаердан, нимани қўчириб ёзишни билмас эдилар...

Мадина ҲАМДАМОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири

Давоми. бошланиши 1-бетда



Убайдулла МИНГБОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист

МУСТАҚИЛ ВА ХОЛИС СУД ҲОКИМИЯТИ: МУЛОҲАЗА, ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

Суд амалиётининг бир хиллигини таъминлаш мақсадида судларнинг бирлаштирилиши алоҳида эътироф этиш ўринли бўлади.

Узоқ йиллардан буён орзу бўлиб келган судьяларнинг ваколат мuddати масаласи ҳам ўз ечимини топди. Маъмурий судларнинг ташкил этилганлиги ҳам конституциявий тамойилларга мос бўлди.

Судьялик лавозимларида номзодларни очик ва демократик тарзда танлов асосида танлаш, малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, шунингдек, раҳбар судьялик лавозимларида кўрсатиш учун тавсия бериш йўли билан, судьялар корпусини шакллантириш мақсадида фақат қонунга бўйсунган ҳолда мустақил фаолият юри-тадиган Судьялар олий кенгаши ташкил этилди.

Жиноят ишларини қўшимча тергов юритишга қайтариш институтининг бутунлай бекор қилиниши, биринчи инстанция жараёнида суд-тергов камчиликлари бартараф этиб, фақат айблов ёки оқлов ҳукми билан ишга нуқта қўйилиши билан боғлиқ янги тартиблар ўрнатилди. Энг муҳими, бундай тарихий суд-ҳуқуқ ислохотлари айти пайтда ўзининг ижобий самарасини бера бошлади.

Президентимизнинг ташаббускорлиги қўллаб-қувватлашлари, жамият тараққиётига бефарқ бўлмаган ҳар бир шахслардан фикр-мулоҳазалар кутаётган бир пайтда, суд соҳасида узоқ йиллар ишлаб, ҳаётини ва амалий тажрибаларимдан келиб чиққан ҳолда суд ишларини янада соддалаштириш, амалдаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда кучли давлатдан, кучли фуқаролик жамияти сари дадил ислохотлар билан бораётганлигимиздан келиб чиқиб қуйидаги таклифларни муҳокама учун амалиётчи ҳуқуқшуносларга етказиш мақсадга мувофиқ, деб топдим.

Биринчи таклиф, судьялар суд жараёнида махсус либосда, хусусан, жаҳон андазаларига ва миллийлигимизга мос кийим (мантия)да бўлса ҳам мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу масала анча йиллардан буён гапирилиб келинмоқда.

Иккинчи таклиф, кучли давлатдан, кучли фуқаролик жамияти сари бораётган мамлакатимизда алоҳида жамоатчилик суди институтини ташкил этиш заҳурини туғилмоқда. Бундай судни "Мурса суди", деб номлаш мумкин. Ай-тайлик, кам аҳамиятли ва унча мураккаб бўлмаган жиноий, иқтисодий, маъмурий ва фуқаролик низолари билан боғлиқ ишларни, шунингдек, суд буйруғи ва ярашганлиги муносабати билан (Жиноят кодексининг 66^и-моддаси) жиноий жавобгарликдан озод қилиш ишларини ҳам маъмур суд зиммасига юкласа бўлади. "Мурса суди" судьялари беш йилдан кам бўлмаган судьялик стажига эга бўлган, ёши қирқдан ўтган ҳуқуқшунослар орасидан жамоатчилик асосида сайланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий су-

ди Пленумида ёки Судьялар олий кенгаши томонидан тайинланиши мумкин.

Учинчи таклиф, судьялар иш юкмасини енгиллатишнинг навбатдаги чораси, уни узундан узоқ ҳукм ёки ҳал қилув қарори ёзишдан озод қилиш зарур. Моддий-техника ва электрон асбоб-аслаҳалар тақомиллашган ушбу даврда воқеа-ҳолатлар тўлиқ акс эттирилган суд мажлиси баённомаси мавжуд. Шундай имкониятни ҳисобга олиб, суд қарорининг кириш, асослантириш ва қарор қисмлари ёзилиб, эълон қилиниши ўзи кифоя, деб ўйлайман.

Тўртинчи таклиф, биз судларни эмас, судьяларни ихтисослаштиришга ўтганимиз маъқул бўлар эди. Шунинг учун, вилоят, туман ва шаҳарларда биттадан раис бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Бешинчи таклиф, Фуқаролик ва иқтисодий судни бирлаштириб, туманлараро суддан воз кечиш вақти келди, деб ҳисоблайман.

Олтинчи таклиф, Конституциянинг 44-моддасидан келиб чиқиб, маъмурий судларга фақат мансабдор шахсларнинг қабул қилган қарорлари ва уларнинг ҳатти-ҳаракатлари устидан бериладиган ариза-шикоятлар тааллуқли бўлиши зарур.

Еттинчи таклиф, процессуал қонун нормалари жиддий бузилганлиги сабабли суд қарорларини бекор қилишни қонунлардан чиқариш керак, деб биламан.

Саккизинчи таклиф, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан биринчи босқичда (инстанцияда) қўрилган ишларни апелляция ва назорат тартибида қўриши. Олий суд судловига ўтказиш, ҳозирги ҳолатда, яъни вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан биринчи босқичда қўрилган ишларни яна ўша суднинг ўзида апелляция тартибида қўрилиши фуқароларнинг норозилигига сабаб бўлмоқда.

Тўққизинчи таклиф, туман ва шаҳар судлари томонидан биринчи инстанция тартибида қўрилган ишларни, апелляция ва назорат тартибида қўришни вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан қўришга ўтиб, раёсатни тиклаш ҳар томонлама маъқул бўлади. Ишларни кассация тартибида қўришни қонун нормаларидан чиқариш масаласини ўйлаб қўриш керак. Юқоридаги босқичлардан кейин ариза-шикоятлар умумий (назорат) тартибида Олий судга тегишли бўлиб қолаверади. Ҳозирги тартиб, Олий судга келиб тушадиган назорат тартибидаги аризаларни (судьяга келиб тушиб, ажрим чиқарилиши) амалиётдан воз кечиш, назорат аризаларини умумий тартибда қўришга ўтиш лозим.

Уннинчи таклиф, вилоят ва унга тенглаштирилган суд раисларига, вилоят суди судьяси, туман ва шаҳар раислари ва судьяларига нисбатан интизомий иш қўзғатиш ҳуқуқини бериш керак. Олий суд раиси, Олий суд судьяларидан тортиб,

барча қуйи судлар судьяларига нисбатан интизомий иш қўзғатиш ва олий малака ҳайъатида қўриб чиқиш учун юбориш ваколати аслича қолиши керак.

Ўн биринчи таклиф, қонунлардан протест келтириш мумкин, деган нормани умуман чиқариш масаласини муҳокама қилиш лозим. Сабаби, бу билан томонларни тенглигини таъминлаш (ишлар норозилик ариза-шикоятлар асосида қўрилаверишига эришиш мумкин).

Ўн иккинчи таклиф, одил судлов босқичларининг энг юқори босқичи бу — Олий суд пленуми бўлиб қолиши керак, суд ишидаги охириги хато-камчилик айнан шу пленум босқичида ўз ечимини топиши лозим.

Ўн учинчи таклиф, суд залларида тинчлик сақланиши ва судьяларнинг хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун суд приставлари ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўн тўртинчи таклиф, суд мамлакат ҳудудидидаги барча ижтимоий муносабатларни тартибга солишда, дуч келинган низоларни бартараф этишда охириги инстанция ҳисобланади. Жумладан, жиноят ишлари бўйича суд иши юритувига турли даражадаги тергов идораларидан материаллар келиб тушади. Иш материалларини тўплаган органнинг табиати ва жамиятда тутган мавқеи унга бўлган муносабат судья учун ишнинг оқибатига таъсир қилиши эҳтимолдан холи эмас. Қонун ва суд олдида барчанинг тенглик тамойили Конституциямизда кафолатланганлигини эътиборга олиб ва халқаро стандартларга мувофиқ Бош прокуратура ҳузурида ягона тергов қўмитаси ташкил қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўн бешинчи таклиф, Президентимизнинг 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилишини тубдан тақомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ ҳарбий судлар хизмати фаолиятига айрим ўзгаришлар киритилди. Хусусан, Мудофаа вазирлиги ҳисобидан чиқарилди. Суд ҳоқимияти мустақиллиги нуқтаи назардан бу жуда тўғри қарор бўлди, ушбу суд фаолиятини тақомиллаштириб, унинг иш юритувига Ички ишлар, Давлат божхона қўмитасининг махсус ходимлари, шунингдек, алоҳида давлат хизматчилари томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқишни ҳам шу суд ваколатига бериб, "Ҳарбий суд" номини "Махсус суд" номига алмаштиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Ўн олтинчи таклиф, судда прокурор ваколатини таъминлаш масаласи бўйича амалиётда муаммолар келиб чиқаётганлигини эътиборга олиб, айрим категория ишлар бўйича прокурор иштирокини таъминлаш мажбуриятини белгилаб, кам аҳамиятли ишлар бўйича судларда прокурорнинг қатнашиш-қатнашмаслиги,

уларнинг ихтиёрида қолдирилиши мумкин (жабрланувчи ёки судланувчининг илтимоси билан прокурор иштирокини таъминлаш бундан мустасно) жиноят ишлари бўйича айблов ҳулосасини эълон қилиш шартлигини ҳам ўйлаб қўриш керак (жабрланувчи ва судланувчи иш материаллари билан танишган, айблов ҳулосаси эса, судланувчига топширилганлиги етарли бўлса керак демоқчиман).

Ўн еттинчи таклиф, маълумки, иқтисодиётни юксалтиришда транспортнинг ўрни ва аҳамияти катта. Шунинг учун мамлакатимизда транспортни ривожлантиришга ва транспорт коммуникацияларини барпо этишга, уларнинг юк ва йўловчилар ташиш имкониятини оширишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Транспорт ва транспорт коммуникацияларидан фойдаланиш жараёнида турли низолар ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлар ва бошқа муаммолар келиб чиқиши сир эмас. Шунингдек, транспорт соҳаси ўзига ҳос муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган хусусиятларга эгалиги, транспорт ва транспорт коммуникацияларининг жадаллик билан ривожланаётганлиги, трансмиллий транспорт йўлаклари вужудга келганлиги ва бу тармоқнинг муттасил кенгайиб бораётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу тоифадаги ишларни қўриб, ҳал этишда айрим муаммолар вужудга келаётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Бу борадаги ахволни тубдан яхшилашнинг йўли битта, у ҳам бўлса, ихтисослашган транспорт судларини ташкил қилишдир. Ўзбекистонимиз дунёдаги автомобиль ишлаб чиқарадиган 28 мамлакат сафига кирганлиги, автомобиллар сотилиши бўйича эса жаҳонда етакчи ўрин олганлиги, эндиликда автомобиль ишлаб чиқариш мамлакатимиз санъатининг етакчи тармоқларидан бирига айланганини эътироф этишимиз керак.

Биламизки, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тизимида транспорт прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги тизимида транспорт милицияси узоқ йиллардан буён самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Агар улар сафига ихтисослашган, вилоят судлари мақомига эга бўлган транспорт судлари қўшилса, айти мудоао бўлар эди.

Ушбу таклифлар Президентимизнинг мамлакатимизда халқ манфаати йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари ва қонун устуворлигини таъминлашдаги ҳаққоний ёндашувларидан келиб чиққанлигини ҳам таъкидлашим зурур.

Судьялар, прокурорлар, ҳуқуқшунос олимлар ва бошқа ҳуқуқшунослар ушбу таклифларга ўз муносабатини билдиради, деган умиддаман.

Коллеж раҳбарининг буйруғи бекор қилинди. Нега?

УЧТЕПА туман адлия бўлимига тумандаги Тошкент қурилиш-коммунал касб-хунар коллежи ўқитувчиси З.К. мурожаат этиб, коллеж директорининг буйруғи билан унга нисбатан "ҳайфсан" интизомий жазоси қўлланилганлигини, у бундай буйруқ қабул қилинганидан беҳабар эканлигини, интизомий жазо қўллашдан аввал ундан ҳеч қандай тушунтириш бериш сўралмаганлигини билдириб, ушбу буйруқнинг қабул қилиниши қонуний ёки ноқонуний эканлиги юзасидан ҳуқуқий тушунтириш беришни сўраган.

Фуқаронинг мурожаати ўрганилганда ҳақиқатан ҳам ходимдан тушунтириш хати олинмаганлиги, ходим ўзига нисбатан интизомий жазо қўлланилаётганлигидан беҳабар бўлганлиги аниқланди.

Меҳнат кодексининг 182-моддасига кўра, интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим, шунингдек, интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) ёки қарор ходимга маълум қилиниб, бунинг тасдиғи сифатида ходимдан тилхат олинishi белгиланган.

Шу билан бирга, коллеж директори томонидан касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти раиси билан келишилиб тасдиқланган Тошкент қурилиш-коммунал касб-хунар коллежининг ички меҳнат тартиби қоидаларининг 3.5-бандида жазо чораси қўлланишига қадар ходимга йўл қўйилган тартиббузарлик сабаблари ва ҳолатини ёзма равишда тушунтириш имконияти берилди, деб қайд этилган.

Юқоридagi ҳолатларни ўрганиш натижасида иш берувчи томонидан юқоридagi қонун ҳужжатлари талаблари бузилган, деб топилиб, мазкур буйруқни бекор қилиш юзасидан тақдимнома киритилди ва буйруқ бекор қилинди.

Бобур ЭШНИЁЗОВ,
Учтепа туман адлия
бўлими етакчи маслаҳатчиси

Ниҳоят, хоким қарори қабул қилинди

ЧУСТ туман адлия бўлими томонидан Ёрқишлоқ МФЙда яшовчи фуқаро Ш.Қурбоновнинг балиқчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалиги ташкил этиш учун туман ҳокими қарорини чиқаришда амалий ёрдам беришни сўраб қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш жараёнида Ш.Қурбонов балиқчилик йўналишидаги фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони сўраб туман ҳокимлигига мурожаат қилганлиги, тумандаги Зарафшон ҳудудидида балиқчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалиги ташкил қилиш учун лойиҳага қўйилган ер майдони олиш бўйича ўтказилган тендер танловида ғолиб деб топилганлиги, бироқ туман ҳокимининг ер ажратиш тўғрисидаги қарори лойиҳаси тайёрланган бўл-

са-да, ҳалигача қабул қилинмаётганлиги аниқланди. Адлия бўлими томонидан ушбу қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва ер майдони ажратиш чораларини кўриш юзасидан Чуст туман ҳокимлигига тақдимнома киритилди.

Натижада, мурожаат муаллифининг кизи Ш.Тожибоевага балиқчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалиги ташкил қилиш учун жами 22,84 га. ер майдонини 49 йилга ижарага бериш юзасидан туман ҳокимининг қарори қабул қилиниши таъминланди.

Баҳром АЛИМОВ,
Чуст туман адлия бўлими бошлиғи

Корхона ходимларининг иш ҳақлари ундирилди

НАМАНГАН туман адлия бўлими томонидан "Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият" лойиҳаси доирасида тумандаги давлат органлари ва ташкилотларида сўровномалар, тестлар орқали инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг аҳоли ўрганиб чиқилди.

Ўрганишлар жараёнида "Сувоқава" ДУК Наманган туман филиали томонидан 18 нафар ходимга 2018-2019 йиллар давомида ҳисобланган жами 49 541 219 сўм миқдоридаги иш ҳақлари тўланмаи келинаётганлиги аниқланди. Натижада, қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш ва фуқароларнинг

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида туман адлия бўлими томонидан ходимларнинг манфаатларини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судига ариза киритилди. Суд қарорига асосан, ходимларга тўланмаган иш ҳақлари ундирилиб, 18 нафар фуқаронинг меҳнат ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Фарҳод ҲАСАНОВ,
Наманган туман адлия бўлими
бош маслаҳатчиси

Муаммонинг илдизи ҳали ҳам қурилмаган

ЧИЛОНЗОР туман адлия бўлими томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги "Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори талабларига риоя қилинишининг бажарилиши ва натижадорлигини таҳлил қилиш бўйича туманда жойлашган 215-сонли мактабгача таълим муассасасида ўтказилган ўрганишда богча ходимлари лавозим мажбуриятларига қирмайдиган ишларга жсалб этилгани аниқланди.


Жумладан, 215-сонли мактабгача таълим муассасаси ёрдамчи тарбиячилари лавозим мажбуриятларида кўрсатилмаган ҳовли ҳудудидида ўсган ўтларни қўл кучи ёрдамида тозалаётган ҳолати қайд этилди.

Мазкур ҳолат юзасидан адлия бўлими томонидан ушбу муассасанинг юқори турувчи ташкилотига "Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ҳамда келгусида йўл қўймаслик, буларни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш тўғрисида" тақдимнома киритилди. Ушбу қайд этилган қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан интизомий таъсир чоралари қўлланилиши таъминланди.

Бундан ташқари, туманда мавжуд бўлган барча давлат ташкилотларига қонун ҳужжатларининг бузилиши мумкин эмаслиги тўғрисида огоҳномалар киритилди.

Суннатилла РАҲМОНОВ,
Чилонзор туман адлия бўлими
бош маслаҳатчиси

Банкдаги лоқайдлик талабага қимматга тушиши мумкин эди



КОНИМЕХ туманида яшовчи фуқаро Ш.Фармоновнинг ўзига тегишли ер участкаси ва бино иншоотлари муқаддам давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган. Унинг ушбу ер участкаси ва бино иншоотлар учун компенсация пули тўланмаётганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати вилоят адлия бошқармаси ҳамда Кониমেх туман адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижасида туман ҳокимлиги томонидан фуқародан олиб қўйилган ер участкаси ва бино иншоотлар ўрнига 80 миллион сўм пул маблағи ҳамда 0,21 гектар ер

участкаси ажратиш тўғрисида туман ҳокимининг қарори чиқарилишига эришилди.


Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан фуқароларнинг мурожаатларига эътиборсизлик оқибатида келиб чиқаётган қонунбузилишлар ҳам адлия идоралари назаридан четда қолётгани йўқ. Навоий давлат педагогика институти талабаси Ф.Аманкулова талабалар учун даладимиз томонидан яратилган имкониятдан фойдаланиш мақсадида АТ "Халқ банки" Навоий вилоят филиалига таълим кредити ажратишларини сўраб мурожаат қил-

ган. Шундан кейин мурожаат бир неча ойдан сўнг ҳам кўриб ҳал қилинмаганлиги, бунинг оқибатида талаба таҳсил олаётган таълим муассасаси раҳбарияти билан шартнома тўловларини тўламаслик юзасидан ноқулайликлар келиб чиққанлиги сабабли адлия бошқармасига мурожаат қилишга мажбур бўлган. Акс ҳолда банк мутасаддиларининг эътиборсизлиги талаба учун қимматга тушиши, унга ўқишни давом эттиришга рухсат берилмаслиги ҳам мумкин эди.

Вилоят адлия бошқармасининг аралашувидан сўнг банк томонидан Ф.Аманкуловага 8.293.000 сўм таълим кредити 2 йил муддатга йиллик 16 фоиз устама миқдори тўлаш шарти билан ажратилиши таъминланди.

Баҳодир РАВШАНОВ,
Навоий вилоят адлия бошқармаси
масъул ходими

Фуқарога мулк ҳуқуқи берилди



ШАЙХОНТОХУР туман адлия бўлими томонидан фуқаро Г.Аҳмедованинг ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилмаётганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати кўриб чиқилди.

Мурожаат ўрганилгач, туман ҳокимлиги ҳузуридаги кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш ишларини ташкил қилиш комиссияси ва туман қурилиш бўлимига қонун ҳужжати ихроси бузилишининг олдини олиш ҳамда бунга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимнома киритилди.

Мазкур тақдимнома асосида туман ҳокимлиги ҳузуридаги кўч-

мас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш ишларини ташкил қилиш комиссияси томонидан ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш ҳақидаги қарор қабул қилинди.

Натижада, Шайхонтоҳур туман ҳокимининг фуқаро Г.Аҳмедовага ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш ҳақидаги қарори қабул қилиниб, мурожаат тулиқ қаноатлантирилди.

Фарҳод АКБАРОВ,
Шайхонтоҳур туман адлия
бўлими бошлиғи

ТОҒДА ЎСГАН БОЛАЛАР

бир неча йилдан сўнг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномага эга бўлишди

ЧЎПОН ёзнинг жазирамасидан тортиб, қишнинг қаҳратон совуғида ҳам тоғу тош ва яйлов кезади. У бошқаларга ўхшаб ўзи истаган пайтда тўю маъракага, байрам ва тантаналарга, дам олиш масканлари ҳамда саёҳатларга боролмайди. Бу ҳам бўлса, унинг касбига нечоғлик садоқатли эканлигидан далолатдир.



Поп туманининг Ўрта Хонобод маҳалласида яшовчи Содиқжон Азимов ҳам болалигидан отаси Фанибой акага ҳавас қилиб, чўпонлиқнинг бошини тутди. Чунки Фанибой Азимов ота касбини эгаллаган инсон ҳеч қачон кам бўлмаслигини Содиқжонга доимо ўқитиб келарди.

Буни қарангки, С.Азимов баҳордан то кузгача тоғу тошда — яйловда бўлгани боис 2003 йилда фуқаро Матлуба Худойназарова билан ҳам шаръий никоҳ асосида турмуш қурди. Негаки, ўша пайтда унинг туман марказига бориб, ФХДё бўлимида қонуний никоҳдан ўтишга қўли тегмади. Бу ҳам майликуя, ҳатто Содиқжон хотинининг кўзи ёриётганда ҳам шифохонага олиб боролмади. Боиси, Матлуба ой-кўни яқинлашгунча ҳам яйловда — хўжайинининг ёнида бўларди. 2004 йил 17 июлда катта ўғли Сидиқжон Фанибоев, 2006 йил 20 январда ўртанчиси Самиржон Фанибоев, 2008 йил 4 февралда кенжатоғи Самандар Фанибоевлар уйда, доялар ёрдамида дунёга

келишди. Энг қизиги, эр-хотин фарзандлари туғилгандан кейин ҳам шифохонага боришмади. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома олишни-ку гапирмаса ҳам бўлади. Лекин айтиш жоизки, бир кун келиб панд беришни, яъни Поп туман 2-сонли ФХДё бўлими томонидан фарзандларининг туғилганлигини қайд этиш рад қилинишни С.Азимов ўйлаб ҳам кўрмаганди.

Содиқжон ва Матлуба Поп туман адлия бўлими томонидан Гурумсарой қишлоғида ўтказилган сайёр қабул жараёнида 3 нафар фарзандига ҳозиргача туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани ололмаётганликлари юзасидан мурожаат қилишди. Мазкур мурожаатни ўрганиш жараёнида Сидиқжон, Самиржон ва Самандар уй шароитида дунёга келгани сабабли уларнинг туғилганлигини тасдиқловчи тиббий маълумотнома йўқлиги, шу боис Поп туман 2-сон ФХДё бўлими томонидан туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар берилмаётганлиги, шунга қарамай, учовлон тумандаги 21-у-

мумтаълим мактабида ўқишгаётганлиги, С.Азимов ва М.Худойназаровалар 2018 йил 6 мартда Поп туман 2-сон ФХДё бўлимида қонуний никоҳдан ўтишгани маълум бўлди. Туман адлия бўлими томонидан ака-ука Сидиқжон, Самиржон ва Самандар Фанибоевларнинг туғилганлик фактини белгилаш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро судига даъво ариза киритилди.

Албатта, суд мазкур фуқаролик ишнинг мазмунан тўғри ҳал қилиш мақсадида, аввало, Одам ДНКси суд-биологик экспертизасини тайинлади. Кези келганда шуни ҳам эътироф этиш ўринлики, С.Азимов ва М.Худойназаровалар кам таъминланганлиги ва моддий имкониятлари чекланганлиги сабабли Поп туман адлия бўлимининг шахсий ташаббуси билан ДНК экспертизаси ўтказиш учун талаб қилинадиган 2.086.000 сўм маблағ ҳомиёлик асосида тўлаб берилди. Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг 2018 йил

11 декабрдаги Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси хулосасига кўра, чиндан ҳам Азимов Содиқжон Фанибоевич ва унинг турмуш ўртоғи Худойназарова Матлуба Раҳимназаровналар Сидиқжон, Самиржон ва Самандар Фанибоевларнинг биологик ота-онаси эканликлари аниқланди. Бундан ташқари, мазкур ҳолат Ўрта Хонобод МФЙ томонидан берилган маълумотнома ва гувоҳларнинг кўрсатмалари билан ҳам ўз тасдиғини топди.

Ана шу қонуний асосларга таянган Фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро суди ўзининг 2019 йил 23 январдаги ҳал қилув қарори билан 2004 йил 17 июлда туғилган Фанибоев Сидиқжон Содиқжон ўғли, 2006 йил 20 январда туғилган Фанибоев Самиржон Содиқжон ўғли ва 2008 йил 4 февралда туғилган Фанибоев Самандар Содиқжон ўғли исм-шарифи фарзандлар Азимов Содиқжон Фанибоевич ҳамда Худойназарова Матлуба Раҳимназаровналардан туғилганлик фактини белгиллади.

Шу ўринда ҳамюртларимизга эслатма тариқасида қуйидаги муножазларни билдириб ўтишни лозим топдик: албатта, ҳужжат қандай ҳуқуқни бериши ва қанақа аҳамиятга эгалигидан қатъи назар, унинг тегишли давлат органидан олиниши, лозим ҳолларда алмаштирилиши ёхуд ўзгариши киритилиши ҳамда уйимизда, биситимизда сақланишига безътибор бўлмаслик керак. Айниқса, бу масалага ота-оналар ҳамиша жиддий қарашлари шарт. Зеро, бундай бепарволик келгусида тузагиб бўлмас аянчли оқибатларни келтириб чиқариши ҳам ҳеч гап эмас.

Азамат ЖўРАЕВ,
Поп туман адлия бўлими бошлиғи,
Иномжон ҚўЗИБОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Чуст
туманлараро суди раиси

КОРРУПЦИЯГА барча қарши, лекин пулни ҳамма яхши кўради. Бир-бирини енга олмаётган ана шу қарама-қаршилик коррупция тегирмонига сув қуяётгани аниқ.

Энг ачинарлиси, ҳеч қачон очилмайдиган, эътибор беринг, ҳеч қачон очилмайдиган жиноятларнинг аксарияти ана шу коррупция билан боғлиқ. Алам қиладиган томони шундаки, кўпчилигимиз биладиган бундай жиноятлар қариндошимиз, қўшнимиз, қадрдонимиз ҳаётида содир бўлмоқда. Лекин уни очишга ҳеч биримизнинг журъatismиз, жасорatismиз етмайди...

Худди мана шу иллат туфайли қанча-қанча тақдирлар ёмонликка туташган, қанча-қанча орзулар саробга айланган. Шу иллат туфайли қанча-қанча одамларнинг адолатга ишончи йўқолган, ҳақиқатдан кўнгли қолган.

Қулоғимизга йўлда, кўча-кўйда шундай гаплар чалинади:

— Қизим тиббиёт коллежини тугатганига икки йилдан ошди. Қишлоқда бирор жойдан иш топилмади. Ахир, рўзгоримизни боқиб турган сигиримизни сотиб, пулига уни шаҳардаги поликлиникалардан бирига ишга жойлаштирдик. Ойлик маоши 300 минг сўм.

Ажабо, ойлик маоши ишга бориб-келиш учун йўл харажати ҳам етмайдиган ишга жойлашган учун бир сигирнинг пули кетса?

— Қизим коллежини тугатиб, олий ўқув юртига ўқишга кирибди. Умри бекор ўтмасин, деб бирор болалар боғчасида ишлаб турсин, десак, анча сар-

сон бўлиб, иложини фақат "гаплашиш" орқали топдик.

Дарвоқе, "гаплашиш"нинг ўз нарх-навоси, баҳоси бор. Масалан, соғлиқни сақлаш соҳасида 6 миллиондан бошланади, мактабга таълим муассасалари ҳам ундан қолишмайди. Мактаб ва коллежларнинг нархи эса анча баландроқ. Завод ва фабрикаларнинг нарху навоси "қўқариб" кетган.

Эслаб кўринг, кечагина ҳатто болангизни боғчага жойлаштириш учун ҳам рангингиз қанча

Ажабо, ойлик маоши ишга бориб-келиш учун йўл харажати ҳам етмайдиган ишга жойлашган учун бир сигирнинг пули кетса?

сарғаярди. Ариза берган болангиз мактабга қадам қўядиган ёшга етганида ҳам гоҳо боғчадаги навбатингиз келмаганига хайрон қолардингиз. Сиздан кейин навбатда турганлар эса аллақачон "йўлини қилиб" боласини жойлаштирарди. Хайрият, бу муаммага давлат хизматлари марказлари ёрдамида чек қўйилди.

Афсуски, ҳали очилмайдиган жиноятлар жуда кўп. Агар пора бўлмаса, жуда кўп ҳолларда қўзланган мақсадингиз сари бир қадам ҳам қўя олмастлигингиз аниқ!

Наҳотки, пора замон "талаби"га айланган бўлса? Порасиз би битмайдиган бўлиб қолди.



ЁХУД ЁПИҒЛИК ҚОЗОНЛАР
ҚАЧОН ОЧИЛАДИ?

Ишонмайсизми? Қайси бирини айтилайки. Банкдан имтиёзли кредит олиш учун "югур-югур" "бер-бер"ларини? Ёки кўп қаватли уй ёки турли шохобчалар қурмоқчи бўлсангиз, ерни давлатдан ташқари, ернинг ўз "эга"ларидан ҳам сотиб олишингиз кераклигини? Жисмоний имконияти чекланган, ёрдамга муҳтожларга бериладиган уйни тўрт мучаси соғлар олиб кетаётганлигини? Икки йилда ижро қилинмаган баъзи ҳоким қарорларнинг пора билан бир ҳафтада бажарилганлигини?

Ҳатто, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 январдаги "Кўп квартираларни қуриш ва реконструкция қилишни молиялаштириш, шунингдек ёш оилаларга, эскирган уй-жойларга яшаётганларга ва уй-жой шaroитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларнинг бошқа тоифаларига сотиш тартиби тўғрисида"ги 14-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаблари ҳам пора билан ўлчанаётгани халқнинг ишончини йўқотмоқда.

Ҳукумат каттагина амал, қўша-қўша хизмат машиналари бериб, халқнинг дардини эшитсин, уларнинг муаммосини ечсин, деб ишонган баъзи мансабдорлар иссиқ-совуқ кунларда эшигидан юпун кийимда дилдираб турган бечора муҳтож одамни сарсон қилиб, таъма қилишни кечириб бўладими? Давлат идоралари халққа хизмат қилиши кераклигини улар наҳотки унутган бўлса?

Ёки оиласида ногирон боласи борларни йўқлаш борасидаги кўзбўямачилик ҳам халқнинг қалбига озор бермоқда. Ногиронга арзимаган бир ховуш ширинлик эҳсон қилишга келган депутатга маҳалла масъулларининг виқор билан ўз "хайру саховат"ларини суратларга муҳрлаб, турли ижтимоий тармоқлар орқали мақтанашларини, кўпиритиб ҳужжатлаштиришларини қандай баҳолаш мумкин?

Очилмайдиган жиноятлар миш-мишини қилин қирқ ёрадиган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари наҳотки эшитмаётган бўлса, дейсизми?

ҲЕЧ ҚАЧОН ОЧИЛМАЙДИГАН ЖИНОЯТЛАР



Ҳақли савол. Юзлаб одамлар бошидан ўтказётган бу ҳолатларни кераклиқ идоралар эшитмагани кишини таажублантириши табиий. Балки улар эшитиб, пора берганининг ўзи айбдор, деб таъна қилаётгандир. Тўғри, қонунларимизда пора олган ҳам, пора берган ҳам жинойи жавобгарликка тортилиши белгиланган бўлган. Аммо пора бериш мажбуриятдан ҳуфиёна бўлгани учун пора олганининг жинояти очилмаслиги аниқ. Жонидан ўтганлар бир-ярим ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилмаса, ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолаверади... Пора дарахти эса илдиз отиб, қўққа бўй чўзаверади... Бу иллат бор экан, биз бир қадам олдинга юрсак, икки қадам орқага қайта-верамиз...

Маруза ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири

ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ҚУРИЛГАН УЙЛАРГА МУЛК ҲУҚУҚИНИ ЭЪТИРОФ ЭТИШ БЎЙИЧА БИР МАРТАЛИК УМУМДАВЛАТ АКЦИЯСИ ЯКУНЛАНАЯПТИ.

Бу имкониятдан ҳамма фойдалана олдимми?

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 27-моддасига кўра, ҳар ким турар жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга, 36-моддасига биноан эса ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги белгиланган. Бироқ кейинги бир неча йилларда ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари ёки иморат қуриш учун рухсатнома олмасдан қурилган уй-жой эгалари кадастр ҳужжатлари расмийлаштиришда анчайин муаммага дуч келишадиган эди. Яъни, ўз уйида неча йиллардан бери яшаб келадиган одамларда мулк бору, мулк ҳуқуқи йўқ. Ер тузиш ва кадастр органлари томонидан республика кўчмас мулк фондининг ялпи хатлови ўтказилганда яқка тартибда уй-жой қуриш соҳасида анча муаммолар борлиги аниқланди. Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида Президентимизнинг 2018 йил 20 апрелда "Ҳуқуқларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича

бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Мазкур ҳужжатда қайд этилишича, фуқароларга ер участкаларини уй-жой қуриш учун муайян тўлов эвазига ноқонуний бериш юзасидан фермер ва деҳқон ҳўжаликларининг тил бириктириши бўйича қўллаб-қўлатлар мавжудлиги аниқланган. Натижада, ушбу муаммо бутун республика бўйича оммавий тус олиб, уй-жой учун зарур ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги аҳолида бошқа ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқишига, ҳусусан, ҳақиқатда яшаб турган жойга прописка қилиниши, мулк ҳуқуқига эга бўлиш ва уни амалга ошириш имконияти мавжуд эмаслигига олиб келди. Шунингдек, ўша йилда фуқароларнинг уй-жой мулкига кадастр ҳужжатларини бериши сўраб Президентнинг Виртуал қабулхонасига 5 мингдан ортиқ, депутатлар, сенаторлар, давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахслари томонидан ўтказилган сайёр қабулларда 3 мингдан зиёд мурожаатлар келиб тушди. Шулардан ке-

либ чиқиб, Президент Фармони билан ўзбошимчалик билан қурилган кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси эълон қилинди. Мазкур Фармон ижроси юзасидан қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 июндаги 461-сонли қарорига асосан жойларда тегишли комиссия иш бошлади.

Мана, акция бошланганига қарийб бир йил бўлди. Бу даврда тегишли мутасадди идоралар, адлия органлари томонидан оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали мазкур акция ҳақида одамларга мунтазам равишда тушунтиришлар бериб борилди. Аини дамда эса акция тугашига санокчи кунлар қолган. Фармонга мувофиқ, 2019 йилнинг 1 майидан, акция якунига етганидан сўнг ўзбошимчалик билан қурилган уйларга мулк ҳуқуқи эътироф этилмади. Ҳўш, шундай муаммоси бор барча фуқаролар бугун кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришга улгуришдимикан?

Мурожаатим комиссия томонидан қўриб чиқилди ва комиссиянинг ижобий ҳулосасига асосан, туман ҳокимининг 2018 йил 23 ноябрь куни мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Шунга асосан, менга ўзбошимчалик билан қурилган иморатимга нисбатан мулк ҳуқуқини бериш бўйича кадастр ҳужжатини расмийлаштириб беришди.



Салима СУЛТОНОВА,
Оққўргон тумани:

АКЦИЯДАН БЕХАБАР ЭДИМ...

— Тошкент вилояти, Оққўргон туманида яшайман. Тўғрисини айтсам, ўзбошимчалик билан қурилган уйларга ҳужжат расмийлаштирилаётгани ҳақида эшитмаган эдим. Менга бу ҳақда уйимга келиб маълумот беришди. Барака топишсин, улар уйма-уй юриб мана шу акция ҳақида одамларга тушунтириш беришадиган экан. Ҳозирда беморлигим туфайли уйдан чиқолмайман. Туманимиздаги адлия бўлими ҳам қараб турмади. Менга ҳуқуқий жиҳатдан ёрдам беришди. 2019 йил 11 февралда туман ҳокимининг қарори чиқди. Унга биноан ноқонуний қурилган мана шу уйимга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлдим. Туман Давлат хизматлари маркази ходимлари уйимга келиб, ҳужжатларни расман менга топширишди. Остона хатлаб кўчага чиқолмаган бўлсам ҳам англичилардан, аҳолига берилаётган енгиллик ва имкониятлардан орда қолиб кетмадим. Бунинг учун адлия бўлими ва Давлат хизматлари марказига миннатдорлик билдираман. Қўрсатилган эътибордан жуда мамнун бўлдим.

АКЦИЯ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛИШИ МУМКИНМИ?

Одамлар орасида эса бошқача гап: "Акция муддати узайтирилиши мумкин" экан. Ижтимоий тармоқларда акция муддатини узайтириш масаласида бир қанча таклифлар ўртага ташланаёпти. Бу гаплар қанчалик ҳақиқатга яқин? Турли фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз ҳудудида ушбу имкониятдан фойдаланмаганлар сони ҳали кўп. Аммо наҳотки, салкам 1 йил ичида мутасадди идоралар ва фуқаролар тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришга улгуришмади? Бунга сабаб нима? Ушбу масалалар оидинлик киритиш учун Адлия вазирлиги масъул ходимининг фикри билан қизикдик:

Ўзакберген ЖАКСИМУРАТОВ, Адлия вазирлиги етакчи маслаҳатчиси:

— Жорий йилнинг 8 апрель ҳолатига фуқаролардан мулк ҳуқуқини эътироф этиш юзасидан 600 мингдан ортиқ мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан 200 мингдан ортиғига ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқи берилди. Рақамлардан кўриниб турибдики, бу борада мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича жойлардаги комиссияларнинг фаолиятини қонқариқ деб бўлмайди. Шу билан бирга, комиссия аъзолари томонидан мурожаатларни қўриб чиқишда ханузгача муддат бузилиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Жумладан, комиссия аъзолари ҳисобланган кадастр, қурилиш, ички ишлар, солиқ, экология, ёнғин хавфсизлиги, санитария идоралари томонидан 100 мингдан ортиқ мурожаатларни қўриб чиқишда белгиланган муддатлар бузилишига йўл қўйилган.

Маълумот сифатида айтишим мумкин, аниқланган шу каби қонунбузилиш ҳолатлари бўйича ўзига юклатилган вазифаларни лозим даражада баҳармаган 385 нафар комиссия аъзоси интизоми жавобгарликка тортилган. Шундан, 35 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилган бўлса, 1181 нафар шахсга нисбатан маъмурий жарима қўлланилган.

Энг ачинарлиси, комиссиянинг ижобий ҳулосаси мавжуд бўлган жами 20 мингдан ортиқ мурожаатлар юзасидан туман (шаҳар) ҳокимликларининг мулк

ҳуқуқини эътироф этиш бўйича қарорлари қабул қилинмаган. Бу эса, фуқароларимизнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Бу борада энг кўп муддат бузилишларни Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент, Наманган, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида кузатиш мумкин. Ушбу ҳолатлар Фармондан кўзланган муҳим мақсадларни амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Ҳозирги кунда Адлия вазирлиги жойларда Фармон ва Қарор ижросини таъминлаш мақсадида қатъий назоратни олиб бормоқда. Ҳусусан, вазирлик томонидан Идораларро чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, унга асосан, ҳар бир маҳалла ҳудудида ишчи гуруҳлар тузилди. Ноқонуний қурилган турар жойлар бўйича уйма-уй юриб тушунтириш берилаёпти, акциядан хабари бўлмаган фуқароларга маълумот берилаёпти. Аҳоли энг кўп истикомат қиладиган жойларда шахсий ва сайёр қабуллар орқали мурожаатлар қабул қилинмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурири ва Адлия вазирлиги томонидан қўшма ҳат имзоланиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига, Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорларига, кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича республика комиссияси аъзоларига топшириқлар берилди. Шу билан бирга, Адлия вазирининг буйруғига асосан, ишчи гуруҳ тузилди. Тошкент, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида туман (шаҳар) ҳокимлари қарорларининг ўз вақтида қабул қилинишига амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Таъкидлашим керакки, тезкорлик билан қўрилаётган ушбу чора-тадбирлар акциядан беҳабар барча фуқароларимизнинг ноқонуний қурилган уй-жойларини тезроқ расмийлаштириб олишлари учун амалга оширилаёпти. Фармонда белгиланганидек, акция муддати тугагач, ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилмади. Акция муддатини узайтириш бўйича ҳозирча ҳеч қандай топшириқ берилгани йўқ. Мурожаатларнинг сони тез суръатда ошаётгани ва мулк ҳуқуқини бериш бўйича тезкор чоралар қўрилаётгани сабаб бунга ҳожат бўлмайди, деб ўйлайман.

ИМКОНИЯТДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ ҚОЛГАНЛАР ҲАМ КўП

Вазирлик ходимининг мулоҳазаларидан кўриниб турибдики, мутасадди органлар ва мансабдор шахсларнинг масъулиятсизлиги туфайли ҳам жойларда кадастр ҳужжатини расмийлаштиришда қийинчиликлар юзага келмоқда. Ўзбошимчалик билан қурилган уйларга мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик акция муддати оз қолганини эътиборга олиб ҳамда қўрилаётган таъсир чораларини ҳисобга олсак бундан буёнга мутасадди идораларнинг фаолигига ва жонбозлик кўрсатишига умид боғлаш мумкин. Биз эса ўз ҳуқуқини яхши билган, имкониятдан унумли фойдаланиб қолган мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги бир қанча фуқаролар билан боғландик. Биринчи манзиллимиз Жиззах вилояти бўлди. Жавоҳир икки йилдан ортиқ вақт мобайнида ўзбошимчалик билан қурилган иморатига нисбатан мулк ҳуқуқини ололмай, турли идора ва ташкилотлар эшиги олдида сарсон бўлиб юрган экан. У Фориш туман Давлат хизматлари марказига ушбу масалада мурожаат қилади:



Жавоҳир ЗАРПУЛЛАЕВ,
Жиззах вилояти:

ЭНДИ ТАШВИШЛАНИШГА ҲОЖАТ ҚОЛМАДИ

— Фориш тумани, Кўҳнабозор қишлоғида яшайман. Бир неча йилдан бери уйим учун кадастр ҳужжатларини расмийлаштира олмаётган эдим. Сабаби, менинг уйим ўзбошимчалик билан қурилган ноқонуний уй ҳисобланар экан. Бунинг энди наҳотки ҳеч бир чораси йўқ бўлса, деб ташвишда юрган эдим. Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилиниб, ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини бериш бўйича акция эълон қилинганини телевизор орқали эшитганимда кўнглим анча хотиржам бўлди. Шундан кейин фурсат топиб, 2018 йил 8 ноябрь куни Фориш туман Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат қилдим.



Адҳам ҚҮЛДОШЕВ,
Самарқанд вилояти:

ҲОКИМ ҚАРОРИ ЧЎЗИЛИБ КЕТДИ

— Ўзбошимчалик билан қурилган уйларга мулк ҳуқуқи берилиши бўйича бир марталик акция ўтказилаётганини эшитиб, 2019 йил 10 январь куни Пайариқ туман Давлат хизматлари марказига ариза топширдим. Менинг ҳам уйим ўзбошимчалик билан қурилган, қонуний ҳужжатларим йўқ эди. Давлат томонидан бундай акциянинг ўтказилиши мен учун аини муддао бўлди. Лекин ҳокимият томонидан менга мулк ҳуқуқини бериш бўйича чиқариладиган қарор жуда чўзилиб кетди. Орадан уч ойга яқин вақт ўтса ҳам ҳоким қарори чиқмади. Шундан кейин туман адлия бўлимига бордим. Адлия бўлимининг аралашуви билан ўзбошимчалик билан қурилган иморатимга нисбатан 9 апрель куни туман ҳокимининг қарори чиқарилди. Кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб олдим.

Гувоҳи бўлганингиздек, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ўзбошимчалик билан қурилган уйларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича ишлар қизғин давом этаёпти. Имкониятдан қуруқ қолишни истамган одамлар ҳар қандай йўл билан тўсқинларни бартараф этишмоқда. Акциядан беҳабар фуқароларимизга, шошилинг, деймиз.

"Инсон ва қонун" мухбири
Мадҳия АБАЗОВА тайёрлади.

“АДОЛАТ” — КИТОБХОНЛАР ЭЪТИБОРИДА



“АДОЛАТ” ҳуқуқий ахборот маркази томонидан “АДОЛАТ” китоб кунлари” шиори остида пойтахтимиздаги аҳоли гавжум ҳудудларда сайёр китоб савдо-ярмаркалари ўтказилмоқда. Жумладан, марказ томонидан жорий йил апрель ойида ҳуқуқий адабиётлар, жаҳон адабиёти дурдоналари, болалар адабиётлари кўргазма-ярмаркалари ташкил этиш режалаштирилган.

Марказ ходимлари томонидан йил бошидан буён 300 дан ортиқ ҳуқуқий тарғиботга оид тадбирлар уюштирилди. Уларнинг аксарияти оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилган бўлса, бир қатор таълим масканларида, ҳудудларда ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларида ҳам марказда

чол этилган ҳуқуқий адабиётлар ҳамда “Юридик адабиётлар” китоб савдо мажмуасида мавжуд турли мавзулардаги қизиқарли китоблар, болалар адабиётлари кўргазма-ярмаркалари ташкил этилиб, тарқатма материаллар билан ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Китобхонларнинг талаб ва

истакларидан келиб чиқиб, 2019 йилдан бошлаб марказ ҳуқуқий ва бошқа турдаги нашрларни онлайн савдо дўкони — www.adolatmarkazi.uz орқали тарқатишни йўлга қўйди. Мазкур интернет дўконнинг афзаллиги шундаки, ундан исталган шахс фойдаланиши, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, кодекслар тўплами, шарҳлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламлари ҳамда баъдий адабиётларни ортиқча устамаласиз, “Адолат” марказининг ишлаб чиқариш нархида харид қилиб олиши мумкин. Ушбу онлайн платформа орқали китобхонлар ўзлари учун зарур бўлган китобни мамлакатимиз ҳудудидаги ўзи истаган манзилга етказиб беришни буюртма қилиши мумкин.

Бугунги кунда қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг дастурий таъминоти такомиллаштирилиб, сайтнинг ишлаш тезлиги яхшиланди. Фойдаланувчиларга янада қулайлик яратиш мақсадида унинг “android” ва “ios” мобил илова шакллари ҳам амалиётга жорий этилди.

Латофат ЮСУБОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

АДЛИЯ БЎЛИМЛАРИ БИР ЙИЛ ИЧИДА

ТОШКЕНТ шаҳар адлия бошқармаси томонидан туман адлия бўлимлари ташкил этилганига бир йил тўлиши муносабати билан оммавий ахборот воситалари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳридаги туман адлия бўлимлари томонидан 2018 йил ва 2019 йилнинг 1-чорагида 313 та сайёр қабул ўтказилиб, 3000 дан ортиқ муаммоли хонадонлар уйма-уй юриб ўрганилди ҳамда аҳолининг 3800 дан ортиқ муражаатлари бўлимлар иш юритувига кириб қилинган. Шунингдек, бўлимлар томонидан ушбу муражаатларнинг ўрганиб чиқиши натижасида 2196 та си қаноатлантирилган.

Шу билан бирга, 1007 та давлат органи ва ташкилотлари фаолиятида ўрганишлар ўтказилиб, 61 000 дан ортиқ қонунбузилиш ҳолатлари, хато ва камчиликлар аниқланган. Келгусида бундай қонунбузилишлар, хато ва камчиликларга йўл қўймаслик, уларнинг содир этилишига қўмақлашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан 732 та тақдимнома, 9 183 та огоҳнома, айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан 288 та, жиноий жавобгарликка тортиш бўйича 28 та тақлиф, шунингдек, судларга 1 589 100 сўмлик 87 та даъво аризаси киритилган.

Бундан ташқари, ўтган даврда туман адлия бўлимлари томонидан мутасадди идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳаллаларда, давлат органлари ва ташкилотларида, хонадонларда 4 600 дан ортиқ тарғибот тадбирлари ўтказилган.

Тадбир давомида Тошкент шаҳридаги туман адлия бўлимларининг келгусидаги фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида адлия бошқармаси ҳамда бевосита туман адлия бўлимлари томонидан амалга оширилиши режалаштирилган ишлар тўғрисида маълумотлар берилди.

Гулсумхон ШОДИЕВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

Юридик таълим:

ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАР ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРАДИ

ҲОЗИРГИ кунда турли техникалар, ахборот қурилмалари ҳар бир педагогдан ўқувчиларга давр шиддатига мос, сифатли таълим-тарбия беришни талаб этмоқда. Айниқса, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган ўсмир ёшидаги ўғил-қизларнинг китоб ўқиш, билим олишга бўлган иштиёқини янада оширишда ўқитувчининг моҳирлиги, машғулотларда интерфаол усуллардан самарали фойдаланиши муҳим аҳамиятга эга.

Бунда, аввало, тажрибали катта авлод ўқитувчилари билан бир қаторда, тезкор фикрлайдиган, ташаббускор, ёш педагоглари ўқув жараёнига жалб этиш лозим. Ўқув машғулотларини замона-

вий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш, айниқса, чет тилларини ўқитиш, информатика ўқув хоналарини замон талаби даражасидаги техник воситалар билан жиҳозлаш ва

улардан ҳар бир дарсда самарали фойдаланиш керак.

Таълим жараёнида ноанъанавий очик дарсларни кўпроқ ташкил этиш сифатли билим беришдаги имкониятни янада кенгайтиради. Бунда асосан ўқувчиларнинг ўзига мавзу берилиб, уни эркин тушунишлари учун имкон яратиш ҳамда ўзлаштирилганларини очик машғулотларда мустақил баён этиб беришини баҳолаш мумкин. Вақти-вақти билан бундай нодатий усулларда машғулотлар ўтказиб турилса, ўқувчиларда фанга қизиқиш ортади, ўз устида ишлаш кўникмаси ривожланади.

Шунингдек, таълим-тарбия жараёнида маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш лозим. Айниқса, ҳуқуқшунослик йўналишидаги таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларнинг самарали йўлга қўйилиши муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчиларда бўлажак ҳуқуқшунос си-

фатида инсон қадр, ҳақ-ҳуқуқини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланган юксак одоб-ахлоқ ва инсонийлик ғазилларини шакллантириш керак. Бунинг учун оилавий муҳитдан ташқари, ўқувчиларнинг дунёқарашини оширадиган ва бойитадиган тадбирларни тизимли амалга ошириб бориш, тажрибали ҳуқуқшунослар билан давра суҳбатлари ташкил этиш ҳам уларда ўз соҳасига бўлган қизиқишини янада ортиқтиради.

Таълим ва тарбия бир-бирини тўлдириб борадиган узвий жараёндир. Тарбия яхши бўлса, таълим ҳам сифатли бўлади. Шунинг учун ҳар бир педагог дарсда интерфаол усуллардан фойдаланиб дарс ўтса, бўлажак мутахассис ўз касбининг билимдони бўлиб етишади.

Севара ЖУМАЕВА,
Тошкент юридик коллежи
кафедра мудири

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент давлат юридик институти томонидан 2008 йил 25 юни кунини бериблан М № 038179 рақамли диплом йўлланганиги сабабли БЕКОР қилинади.

Шахматқўр туман Давлат хизматлари маркази томонидан 01.31.2008 йилда 600290-сон билан давлат рўйхатига олинган “THE POULTRY WORLD” МДК (СТПР: 308 485 408) талқини олинган 04.04.2019 йилдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қўйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади.
Тел.: (90) 905-22-12.

Шахматқўр туман Давлат хизматлари маркази томонидан 18.03.2008 йилда 700853-сон билан давлат рўйхатига олинган “CONSTRUCTION” МДК (СТПР: 308 247 408) талқини олинган 11.04.2019 йилдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қўйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади.
Тел.: (99) 505-50-60.

Сергели туман Давлат хизматлари маркази томонидан (Сергели тумани, Ободат кўчаси, 3а-й) 2017 йил 27 февралда 005686-06 сонли реестр рақами билан давлат рўйхатига олинган “CONSTRUCTION” МДК (СТПР: 308 247 408) талқини олинган 11.04.2019 йилдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қўйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади.
Тел.: (99) 505-50-60.

Авлодат 1-сонли қарорига асосан тугатилди.
Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қўйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади.
Тел.: (91) 191-60-30.

Миро Улутбек туман Давлат хизматлари маркази томонидан 09.04.2018 йил 588149-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган “THE FIRST COMPANY” МДК (СТПР: 308 485 408) талқини олинган 15.04.2019 йилдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қўйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади.
Тел.: (90) 186-56-53

Юнусов туман Давлат хизматлари маркази томонидан 25.07.2014 йилда №009330-10 реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган “BALSAMUM” масъулия-чи чекланган жамияти №1 қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қўйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади.
Тел.: (90) 186-56-53

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қўйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади.
Тел.: (97) 474-69-08.

Яқсарой туман таъбиркорлик субъектларига давлат хизматлари қўйидаги “Яқсарой” маркази томонидан 20.06.2013 йилда 004820-05 сон билан давлат рўйхатига олинган “IRASHI UNIVERSAL SERVICE” МДК (СТПР: 301 743 388) талқини олинган 15.04.2019 йилдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қўйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади.
Тел.: (93) 590-68-07.

Миро Улутбек туман давлат хизматлари маркази томонидан 18.01.2019 йилда 670107-сон билан давлат рўйхатига олинган “BEST EFFECT” нодатий таълим муассасаси (СТПР: 308 008 126) талқини олинган 15.04.2019 йилдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қўйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади.
Тел.: (93) 590-68-07.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қўйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади.
Тел.: (91) 550-73-21.

Қашқадарь вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 4 апрелдаги буйруғига асосан Шаҳрисабз туманидаги “KESH INTELEKT” адвокатлик фирмаси адвокати Хатматов Дилдор Мусаевнинг 2018 йил 28 декабрда берилган КС 000153-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси ва 152-сонли адвокатлик гувоҳномаси ҳамда адвокатлик мажмуининг амал қилиши тугатилди.

Сергели туман Давлат хизматлари маркази томонидан (Сергели тумани, Ободат кўчаси, 3а-й) 2017 йил 17 апрелда 508520-сонли реестр рақами билан давлат рўйхатига олинган “TARAOQIYOT SPORT KOMPLEX” МДК (СТПР: 304 835 721) талқини олинган 2019 йил 8 апрелда 1-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қўйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади.
Тел.: (93) 552-45-54.

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани Давлат хизматлари маркази 02.07.2013 йилда 0088608-рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Алгоритм 035, 10-й, 29-хонадон манзилида давлат рўйхатидан

ўтган “SPECTRUM NET” МДК (СТПР: 3025250-21) талқини олинган 2019 йил 8 мартдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қўйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади.
Тел.: (90) 915-57-37.

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани Давлат хизматлари марказида 24.10.2018 йилда 012443-08-рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Широк мавзое, 21-й, 121-хонадон манзилида давлат рўйхатидан ўтган “DIAMOND FRESH” ОК (СТПР: 304388115) талқини олинган 2019 йил 18 сентябрдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қўйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади.
Тел.: (90) 915-57-37.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси Юнусов туман 3-сон давлат нотариал идораси нотариуси Дилдор Мусаевга ҳамда Юнусов туман 5-сон давлат нотариал идораси нотариуси Ҳамиди Хамиди Тоҳировага онаси

Қурми МУСАЕВНИНГ вафот этганиги муносабати билан чўқур таъзия иҳозор этади.

ИНСОН
ҚОНУН

МУАССИСА:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРАЛИГИ
www.minjust.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган

Бош
муҳаррир
Қўқор
НОҚОБИЛ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқуллов Акбар Журабоевич
Рабиёв Шерзод Миржалилович
Тожиёв Фурад Шомуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна
Мамадалиев Зайниддин Очлович

Тахририятга келган
қўғамалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.

Навбатчи
Испом Ибодуллоев
Саҳифаловчи-
дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси тахририяти компьютер базасида терлиди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 бося табоқ ҳажмда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашрият матбаа ижодий уйида чоп этилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ушбу сонда ЎзА
суратларидан фойдаланилди.

МАНЗИЛИМИЗ:

100 000, Тошкент ш.
Сайингоҳ кўчаси-35.
Факс: (0371) 233-44-23,
(0371) 233-44-08
Обуна бўлими: 233-44-09
Баҳос вақилинган нархда
1 2 3 4 5